

Адолат



08:06 / 10.12.2019 2247

Сулаймон ибн Мусо айтади: «Аъробийларнинг бир қавми Бану Марвонлик бир қавм билан ўзлари обод қилган ер хусусида хусуматлашиб, Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурларига келишди. Бу ерни аъробийлар ўзлаштирган бўлса-да, Валид ибн Абдулмалик ерни улардан олиб қўйиб, яқинларига бериб юборган эди. Шунда Умар ибн Абдулазиз: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Юртлар Аллоҳнинг юрти, бандалар Аллоҳнинг бандаларидир. Ким бир ўлик ерни тирилтурса (қаровсиз ётган ерга ишлов берса), ўша ер уникидир»** деганлар», деди ва ерни аъробийларга қайтариб беришга ҳукм қилди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан